

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил июль ойининг 6 кунда, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди, Зангиота тумани Қахрамон МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Хонкелдиев, судья ёрдамчиси Ш.Таджиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Зангиота туман прокурорининг ёрдамчиси А.Каипбергенова ва адвокат И.Жураевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айб эълон қилинган:

1952 йил 31 декабрда Тожикистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, Тожикистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, нафақахўр, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар, Олтинобод МФЙ, Маърифат кўчаси, 64-уй, 53-хонадонда яшовчи, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган **Мехмонов Абдурахмон** (Mehmounov Aburaxmon) га оид 1-1101-2302/251-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳнинг кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокарасини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Мехмонов Абдурахмон 2023 йил 4 апрел куни соат 16:30ларда невараси Кукиев Отабек Умаралиевичга тегишли Nexia-3 русумли давлат рақами 01R098NB бўлган автомашинани тегишли ҳужжатлар асосида бошқариб, Зангиота тумани ҳудудидан ўтувчи М-34 “Тошкент-Душанбе” автомобиль йўли бўйлаб, Тошкент шаҳри йўналиши томондан Янгийўл тумани йўналиши томонга ҳаракатланиб бориб, ушбу автомобиль йўлининг 22-километрида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 3, 4, 53 ва 77-бандлари талабларини қўпол равишда бузиб, эҳтиётсизлик ва ўз-ўзига ишониш оқибатида, автомобиль йўлининг чап томон бўлагида ҳаракатланиб келиб, ўнг томон йўл четида тўхташ учун бошқарувидаги автомашина йўналишини кескин ўнг томонга ўзгартириб, ўзи билан бир йўналишда ўнг томон бўлакда ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчи Таджиханов Акбаржон Ахрор ўғли бошқарувидаги



“ЗИЛ ММ34505” русумли давлат рақами 10E028AB бўлган юк автомашинаси ҳамда ҳайдовчи Юсупов Нажимидин бошқарувидаги “Электро скутер”ни ўтказиб юбориш чораларини кўрмасдан, уларга хавф туғдириб, йўналишини кескин ўнг томонга ўзгартириб ҳаракатланиши ва қатнов қисми ўнг бўлагидан кескин тўхтаб қолиши натижасида, бошқарувидаги автомашина орқа чап қисми билан “Электро скутер”нинг олд ўнг бурчагига тўқнашиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этилишига сабабчи бўлган. Натижада Н.Юсупов бошқарувидаги “Электро скутер” автомобиль йўлининг чап бўлагига йиқилган вақтда, ҳайдовчи Н.Юсуповни мазкур йўналишда ҳаракатланиб келаётган “ЗИЛ ММ34505” русумли юк автомашинаси орқа ўнг томон қилдираги билан босиб кетган. Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида ҳайдовчи Н.Юсупов олган тан жароҳатларидан ҳодиса жойида вафот этган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 01.05.2023 йилдаги

40-Е-сонли хулосасига кўра, ҳайдовчи Н.Юсупов йўл-транспорт ҳодисаси натижасида олган ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан-жароҳатларидан вафот этганлиги кўрсатилган.

Судга оид транспорт-трассология ва автотехника экспертизасининг 22.05.2023 йилдаги 256-сонли хулосасига кўра, тўқнашувнинг дастлабки вақтида “Электро скутер”нинг олд ўнг бурчаги “Nexia-3” русумли автомашинанинг орқа чап қисмига текканлиги, бу вақтда уларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак 3+2 даража атрофида бўлганлиги, тўқнашув вақтида “Электро скутер” ҳаракатда бўлганлиги, “Nexia-3” русумли автомашина ҳайдовчисининг ҳаракатлари амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди талабларига зид бўлганлиги ва ҳодисанинг келиб чиқиши билан сабабий боғланишда эканлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида сўроқ қилган судланувчи **Мехмонов Абдурахмон** унга нисбатан эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у 2021 йилдан буён набираси Кукиев Отабек Умаралиевичга тегишли “Nexia-3” русумли давлат рақами 01 R 098 NB бўлган автомашинани ишончнома асосида бошқариб келиши, 2023 йил 4 апрел куни тахминан соат 12:00 ларда Янгийўл шаҳрида яшовчи қизи Ҳазратова Саидадан хабар олиш мақсадида Тошкент шаҳар Чилонзор гуманидаги яшаш манзилидан “Nexia-3” русумли давлат



рақами 01 R 098 NB бўлган автомашинасини бир ўзи 40-50 км/соат тезликда бошқариб йўлга чиққанлиги, автомашинасини бошқариб Зангиота тумани ҳудудидан ўтган “М-34 Тошкент-Душанбе” автомобил йўлининг 22-километрига етганида ўнг томонида тахминан 1-1,5 метр оралиқ масофада “ЗИЛ ММ34505” русумли автомашина ёнма-ён ҳаракатланганлиги, бу вақтда йўл четига дўкондан сигарета олиш мақсадида “ЗИЛ ММ34505” русумли автомашинадан тезлигини бироз ошириб, ушбу автомашинани қувиб ўтиб, тахминан 1 дақиқа вақт мабойнида автомобиль йўлининг ўнг томонига йўл четига яқин жойга тўхташи билан орқа томонидан Юсупов Нажимидин исмли одам “Электро скутер” бошқариб келиб, бошқарувидаги автомашинасининг орқа чап томон фара қисмига рулининг ўнг қисми билан урилганлиги, сўнгра “Электро скутер” ҳайдовчиси Н.Юсупов чап томонга йиқилиб йўлдан ҳаракатланиб ўтиб кетаётган “ЗИЛ ММ34505” русумли автомашинанинг орқа ўнг томони шинасига урилганлиги, бу вақтда “ЗИЛ ММ34505” русумли автомашинанинг ҳайдовчиси Акбаржон ҳодиса жойидан 5-10 метр ўтиб тўхтаганлиги, сўнгра одамлар Н.Юсуповни кўтариб, унинг автомашинасига жойлаштиришганлиги, шу захоти у Н.Юсуповни Янгийўл шаҳар марказий шифохонасига олиб борганлиги, орадан тахминан 20 дақиқа вақт ўтар-ўтмас шифокорлар Н.Юсуповни вафот этганлигини айтишганлиги, у Н.Юсуповнинг оила аъзолари билан дафн маросимларни ўтказганлиги, шундан сўнг ўзи умуман машина бошқармаётганлиги, воқеа содир бўлишидан олдин фақатгина соғлиги учун дори дармон керак бўлганда бошқарганлиги, ҳозирда жабрланувчиларнинг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, ўз хатосини тушуниб етганлигини, оилавий шароитини, ёшини, нафақада эканлигини, соғлиги яхши эмаслигини инobatга олиб, энгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчининг қонуний вакили **Юсупов Мурод Нажмиддинович** ҳақиқатдан ҳам Юсупов Нажимидин унинг отаси эканлиги, отаси Н.Юсупов “Электро скутер”да 2020 йилдан буён яшаш манзилидаги уйдан тахминан 2 километр узоқликда жойлашган масжидга қатнаганлиги, 2023 йил 4 апрель куни тахминан соат 12:50 ларда иш жойида бўлган вақтда унга опачаси Д.Хамарова кўнғироқ қилиб, отаси Янгийўл шаҳридаги марказий шифохонага тушиб қолганлигини



айтганлиги, шундан сўнг йўлда шифохонага бораётган вақтида унга жияни Нуриддин қўнғироқ қилиб, отаси Н.Юсупов шифохонада йўл-транспорт ходисаси натижасида олган оғир тан-жароҳатлари билан вафот этганлигини айтганлиги, сўнг отасининг дафн маросимларини ўтказганлиги, отасининг дафн маросимларини ўтказишда ҳайдовчи Таджиханов Акбаржон Ахрор ўғли ва Мехмонов Абдурахмон моддий томондан ёрдам берганлиги, ҳозирда ҳайдовчи Мехмонов Абдурахмон ва Таджиханов Акбаржон Ахрор ўғлига нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даввоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, судланувчига нисбатан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган енгил жазо тайинлашни сўради.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган **Таджиханов Акбаржон Ахрор ўғли** ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 4 апрель куни тахминан соат 12:30 ларда “ЗИЛ ММ34505” русумли давлат рақами 10E028AB бўлган автомашинани ишончнома асосида бошқариб, Янгийўл тумани томонга бир ўзи тахминан 30-35 км/соат тезликда Зангиота тумани ҳудудидан ўтган “М-34 Тошкент-Душанбе” автомобиль йўлининг 22-километрида ҳаракатланиб кетаётган вақтда йўналиши бўйича йўлнинг чап томонида оқ рангли “Nexia-3” русумли давлат рақами 01R098NB бўлган автомашина, шунингдек ўнг томонида унинг бошқарувидаги автомашинадан 4-5 метр олдинроқда тахминан 30-35 км/соат тезликда “Электро скутер” ҳаракатланиб кетаётганлиги, кутилмаганда “Nexia-3” русумли автомашинаси ҳаракат йўналишини ўнга ўзгартириб, “Электро скутер”нинг олдида тўхтаган вақтида унга “Электро скутер” келиб урилганлиги, тўқнашувдан сўнг орадан 1 сония вақт ўтмасдан кутилмаганда бошқарувидаги “ЗИЛ ММ34505” русумли автомашинанинг ўнг томони орқа шинаси кутарилиб тушганлиги, бу ҳолатда бошқарувидаги автомашинада бир нарсани босиб кетдим деб уйлаб, автомашинани шу йўлнинг ўзида тўхтатганлиги ва тушиб қараганида автомобиль йўлида “Элетро скутер” ва унга нотаниш бир ёши катта бўлган одам йиқилиб ётганини кўрганлиги, “Электро скутер”нинг ўриндиғи орқа томони ва скутерга ўрнатилган орқа тиркагич автомашина шинаси босиши натижасида пачоқланганлиги, ушбу жойида шина излари борлигини кўрганлиги, “Электро скутер” ҳайдовчиси Н.Юсупов беҳуш ҳолатда ётганлиги, сўнг шу ерда бўлган одамлар Н.Юсуповни кўтариб, йўл четида гўхтаб турган оқ рангли “Nexia-3” русумли автомашинага



ўтказишганлиги, сўнг автомашина ҳайдовчиси А.Мехмонов ўзи билан Янгийўл шаҳар марказий шифохонасига олиб кетганлиги, орадан 1 соат вақт ўтиб “Электро скутер” ҳайдовчиси Юсупов Нажимиддинни йўл-транспорт ҳодисаси натижасида олган тан-жароҳатлари билан вафот этганлигини эшитганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчиси ва адвокатнинг фикрларини, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилини тинглаб, иш ҳужжатларида тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи Мехмонов Абдурахмоннинг айби, ўзининг тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва унга илова қилинган фотожадвал, тушунтириш хатлари, судга оид тиббий экспертизасининг 01.05.2023 йилдаги

40-Е-сонли, судга оид транспорт-трасология ва автотехника экспертизасининг 22.05.2023 йилдаги 256-сонли хулосалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндисини билан тўлиқ исботланади деб ҳисоблайди.

Судланувчи Мехмонов Абдурахмоннинг йўл транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши оқибатида одам ўлимига сабабчи бўлишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга Жиноят Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги қатъий белгилаб қўйилган.

Суд, судланувчи А.Мехмоновга нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, ёшини, нафақада эканлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, муқаддам



судланмаганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларини инобатга олиб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори ва “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 2015 йил 26 июндаги 10-сонли Қарорига амал қилиб, ЖКнинг 45-моддасига асосан уни транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жарима жазоси тайинлашни шунингдек, ЖКнинг 13-моддасига мувофиқ жарима миқдорини жиноят содир қилинган вақтда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи яъни 300.000 сўмдан ҳисоблашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган

1 дона DVD диск жиноят иши ҳужжатларига қўшилганлигини ҳамда жабрланувчи М.Юсуповнинг судланувчи А.Мехмоновга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни;

- манфаатдор тарафларга мазкур жиноят иши юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай моддий ва маънавий зарар бўйича келгусида тегишли тартибда фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Мехмонов Абдурахмон (Mehmonov Aburaxmon) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 (бир) йил муддатга барча турдаги транспорт воситасини бошқариш муайян ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда базавий миқдорининг ҳисоблаш



20 (йигирма) баравари миқдорида яъни 6.000.000 (олти миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг А.Мехмоновга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва Тошкент вилояти ИИББ ҳузуридаги тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 6.000.000 (олти миллион) сўм гаров пуллари гаровга қўювчи А.Мехмоновга қайтарилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган жазолар ҳар қайсиси алоҳида ижро эттирилсин.

Жабрланувчи М.Юсуповнинг судланувчи А.Мехмоновга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Манфаатдор тарафларга мазкур жиноят иши юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай моддий ва маънавий зарар бўйича келгусида тегишли тартибда фуқаролик судига даъво аризаси билан муурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида апелляция тартибида Тошкент вилоят судига шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидир, ушбу муддат ўтгандан сўнг берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилади.

Раислик қилувчи (имзо)
А.Хонкелдиев

Аслига тўғри:

Маъсул судья: Хонкелдиев Азиз Уткирович

